

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 71 (1670), 2026 йил 11 апрель, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



БУХОРОНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 апрель куни Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Бухоро шахрига ташрифи давомида дастлаб Бухоро вилоятининг янги маъмурий марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Мажмуа Қашқадарё вилояти Кўкдала туманида сновдан ўтган бошқарув органларини интеграциялаш тажрибасининг давомида. У ерда 38 та давлат идораси бир

жойда жамланиб, аҳоли учун катта қулайлик яратилган. Авваллари турли юмуш билан олис масофаларни босиб, бошқа туман идораларига қатнаган фуқаролар барча хизматларни ўзига яқин жойда олиш имкониятига эга бўлди. Президентимиз ўтган йили Кўкдалага ташрифи чоғида бундай ёндашув барча

туманлар учун намуна эканини таъкидлаган эди. Ўтган даврда бошқа ҳудудларда ҳам ушбу тажриба асосида бунёдкорлик ишлари бошланган. Хусусан, Бухородаги маъмурий марказ 14 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, биринчи босқичда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят прокуратура ҳамда ички

ишлар бошқармалари каби давлат идоралари бир ҳудудда жамланган. Бу, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро мувофиқлашувини яхшилаш, мурожаатлар билан ишлашни тезлаштириш ва давлат хизматлари сифатини оширишга хизмат қилади.

Мажмуа фақат маъмурий бинолардан иборат эмас. Бу ерда фуқароларнинг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун хиёбонлар, фаворалар ва яшил ҳудудлар барпо этилмоқда.

Президентимиз вилоят ҳокимлигининг янги биносидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Одамларга қулайлик яратиш, фуқаролар турли масалалар юзасидан ҳар хил манзилларга бориб юрмасдан, зарур хизматларни бир ҳудуднинг ўзида олишни таъминлаш мақсадида давлат идораларини ягона маъмурий марказларга бириктириш ишларини изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдимот қилинди.

Жумладан, банклар томонидан сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда ҳудуд ва маҳаллалар кесимида таҳлил ўтказилиб, Бухоро тумани мисолида ўсиш нуқталари аниқланган ҳақида ахборот берилди. Бу таҳлиллар ер, сув, меҳнат ресурслари, бозор талаби, инфратузилма ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ўзаро боғлиқ ҳолда баҳолаш имконини берди. Натижада Бухоро туманида агробизнес, туризм, саноат ва йўл бўйи хизматлари энг истиқболли йўналишлар сифатида белгиланган.

Хусусан, 15 минг гектар ерни ўзлаштириш, 500 гектар янги узумзорлар барпо этиш, экотуризмни кенгайтириш, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш

имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2026-2031 йилларда ушбу йўналишларда 7,4 триллион сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш ва 15 мингта янги иш ўрни яратиш мумкин.

Шунингдек, тумандаги 36 та маҳаллани 6 та драйвер йўналиш — узумчилик, мевасабзавотчилик, чорвачилик, богдорчилик, туризм ва сервисга ихтисослаштириш мумкинлиги қайд этилди. Лойиҳаларни ташлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида маҳаллалар учун ресурс базасини шакллантириш, бизнес-режаларни автоматик тайёрлаш, маблағлар ҳаракати ва натижаларни реал вақт режимда назорат қилиш бўйича сунъий интеллект асосидаги ечимлар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятини очиш, лойиҳаларни натижага қаратилган ҳолда шакллантириш ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадини оширишга хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Бухоронинг тарихий қисмига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини самимий қутлади.

Бухоронинг бой маданий меросини, тарихий қиёфасини асраш ва уни янада обод этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухорога сафари чоғида шаҳарнинг янги аэропортини барпо этиш лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилмоқда. Янги йўл ва кўприклар қурилиб, йўловчиларга қулайликлар оширилмоқда. Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбари 2024 йилда Бухоро вилоятига ташрифи давомида ҳудуднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш

мақсадида Бухоронинг янги халқаро аэропортини барпо этиш бўйича муҳим топшириқ берган эди.

Ушбу транспорт иншооти ҳамда унга тўташ инфратузилмани барпо этиш учун шаҳар ташқарисидан жами 370 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа доирасида аэропортга олиб борувчи автомобиль йўли ҳам қурилмоқда. Унинг умумий узунлиги 23,8 километри ташкил этиб, шундан 2,7 километри мутлақо янги йўл, 21,1 километри эса реконструкция қилинади. Шунингдек, йўл бўйида 2 та йўл ўтказиш, 9 та ер ости пёдалар ўтиш жойи ва 8 та кўприк барпо этилиши назарда тутилган.

Лойиҳага кўра, янги аэропортга узунлиги 3,3 километр бўлган, барча турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга учини-кўнни йўлагини, шунингдек, соатига 1200 нафар йўловчига юқори даражада хизмат кўрсатиш қувватига эга аэровокзал мажмуаси қурилади.

— Биз Бухоро вилояти аҳолиси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун замонавий ва қулай хизмат кўрсатадиган аэропорт барпо этишни мақсад қилганмиз. Шундай экан, ушбу аэропорт жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ мос бўлиши шарт, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро вилоятининг иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган бошқа қурилиш лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбирлари

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 11 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида Бухорода олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Сиёсий мулоқотни, парламентлараро, ҳукуматлараро ва ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, етакчилар товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт, энергетика, сув ва

экология соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилади.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Биргаликда тарихий обидаларни зиёрат қилиш, саноат корхоналари фаолияти ва маҳсулотлар кўргазмаси билан танишиш режалаштирилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ИШОНЧ ВА УМУМИЙ МАНФААТЛАР АСОСИДАГИ ИТТИФОҚЧИЛИК



11 апрель куни Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги босқичи мисли кўрилмаган суръат ва ҳар томонлама ривожланаётган стратегик шериклик даражасига кўтарилгани билан тавсифланади. Қозоғистон Президенти Қосим-

Жомарт Тоқаевнинг 2026 йил 11 апрель куни олий даражадаги норасмий саммит форматда Ўзбекистонга амалий ташрифи икки томонлама алоқалар тақвимидаги муҳим воқеа бўлади.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ВА ТАРТИБ — ИЧКИ МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ

Буюк давлатларнинг тараққиёти ҳамда бугунги умумбашарий тафаккур тамойиллари ғоялар билан бирга қатъий интизом асосида қурилган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур салтанатида ҳам темирдек мустаҳкам тартиб ва аниқ ижро устувор эди. “Тузуқлар” асарида бобомиз бундай қатъий талабни қўяди: “... Саккизинчи, қароримга амал қилдим ва ҳар ишга қарор қилсам, ул ишни ҳимматим олдига тутдим ва то ул ишни битиргунча ундиллик кўтармадим”. Бу олтин қонда ўлмас бир ҳақиқатни англатади: ҳатто энг эзгу, энг кучли ғоя ҳам ижроси бўлмаса, халқ орасида қадрини йўқотади. Бандларвот сўзлар ва қозғоғдаги қуруқ ҳисоботларнинг даври ўтди.

Мутахасссларнинг минбарлардаги жарангдор нутқларидан кўра, уларнинг ўз ишига масъулияти, маданияти ва ҳар қандай шариҳда ўзгармайдиган интизоми жамият тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланади. Демак, **интизом фақат маъмурий талаб эмас, балки маънавий позиция ҳамдир.**

Илғор мамлакатлар тажрибасига назар

Тараққий этган давлатлар амалиётида самарадорлик асоси интизом эканига кўп мисол келтириш мумкин. Масалан, Япониянинг kaizen (домий тақомиллашув) фалсафаси ёки Малайзияда давлат хизматчилари учун жорий этилган қатъий ахлоқ ва ижро стандартларида

тизимлилик, вақт қадрига етишни кўра-миз. Японияда kaizen фақатгина корхоналарда эмас, давлат хизматларида ҳам қўлланади. У ерда давлат идораларида қозғобозлик ва ортиқча ҳаракатни қисқартириш учун қатъий 5S (саралаш, тартибга солиш, тозалаш, стандартлаштириш, интизом) тизими амал қилади. Айтилик, ҳодим бирор ҳужжатни излашга 30 сониядан ортиқ вақт сарфламастлиги

зарур. Чунки “muda” (исроф) тушунчаси моддий ресурслар билан бирга вақтга нисбатан ҳам қўлланади. Давлат хизматчисининг фуқарони куттириши энг оғир “muda” (вақт исрофи)дир. Шу сабабли Японияда кўп хизматлар инсон омилсиз, замонавий технологиялар орқали сонияларда амалга оширилади.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

“Дунё” АА мухбирининг саволларига БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош котибини Шайха Носир ан-Нувайс жавоб берди.

— Сиз БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош котиблигига тайинланган биринчи аёл ва БААдан чиққан илк вакил-сиз. Бу сиз учун ва жаҳон туризми учун нимани англатади?

— Ушбу лаҳзани жуда яхши эслайман. Ар-Риёдада — Бош Ассамблеяда ўтирганимда номим эълон қилинди. Бир зумда ҳамма нарса тўхтаб қолгандек бўлди. Кейин эса мазкур лавозимнинг қанчалик катта масъулият эканини англадим. Бу жуда таъсирилли ҳиссиёт эди.

Давоми 2-бетда





ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ИШОНЧ ВА УМУМИЙ МАНФААТЛАР АСОСИДАГИ ИТТИФОҚЧИЛИК

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ташир эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзгарувчан минтақавий ва глобал кун тартиби шароитида ҳамкорликнинг янги уфқларини белгилашга қаратилган. Икки давлатнинг яқинлашувига нафақат географик жойлашуви, балки хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига ёндашувларнинг умумийлиги ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса Марказий Осиёнинг икки йирик давлати иттифоқини бутун минтақадаги барқарорликнинг асосий омилга айлантиради.



Замонавий дипломатик муносабатларга 1992 йил 23 ноябрда асос солинган бўлиб, ўтган ўн йиллар давомида томонлар 304 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантирган. Бу рўйхатда 2021 йилдаги декларация ва 2022 йилдаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги тарихий шартнома алоҳида ўрин тутди. Олий даражадаги икки томонлама сиёсий алоқалар жадаллиги давлат таширларнинг мунтазамлиги билан яққол тасдиқланади: 2017 йилдан бошлаб мамлакат етакчилари ҳар йили Остона ва Тошкентга кенг қўламли таширлар алмашадилар.

Расмий протокол тадбирларидан ташқари давлат раҳбарлари ўртасида шахсий ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилувчи форматлар амалиётга мустаҳкам кириб борди. 2023 йилдан бунён Чимкент, Хива ва Олмаотада учта норасмий учрашув ўтказилди, бу етакчиларга энг ноҳик масалаларни ишонччи муҳитда муҳокама қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, амалий таширлар формати, жумладан, 2025 йил апрель ойда Самарқанддаги учрашув ёки Ўзбекистон Президентининг ўша йилнинг май ва июнь ойларида Остонага ташир-

фи каби кўп томонлама саммитларда иштирок этиш доирасида фаол ривожланимоқда. Бундай кўп босқичли коммуникациялар тизими икки қардош мамлакат ва халқнинг стратегик манфаатлари муштараклигини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги мазмун касб этган парламентларо ҳамкорлик сиёсий мулоқотнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. 2017 йилда икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасида ҳамда 2018 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон парламенти Мажлиси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар бунинг учун ҳуқуқий асос

лар икки мамлакат ҳудудлари даражасида амалий масалаларни тезкор ҳал этиш имконини беради ва жойларда аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантиради.

Иқтисодий ҳамкорлик глобал беқарорлик шароитида ҳам барқарор ўсишни намоён этиб, икки томонлама муносабатларнинг локомотиви бўлиб қолмоқда. 2025 йил якунларига кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,9 миллиард долларга етди, бу ўтган йилдагига нисбатан 12 фоиз кўпдир. Ижобий динамика 2026 йилда ҳам сақланиб қолмоқда — биргина январь ойида ўзаро савдо ҳажми 31 фоиз ўсиб, 414 миллион долларни ташкил этди.

Ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори инвестициявий фаолият кўлами билан боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон капитали иштирокидаги 1200 дан ортиқ корхона, Қозоғистонда эса ўзбек капитали иштирокидаги 4934 юридик шахс фаолият юритмоқда. Ушбу жараёнларнинг сифатли қўллаб-қувватлаш учун 2022 йилда Бош вазирлар ўринбосарлари даражасида қўшма лойиҳаларни мониторинг қилиш ва импорт ўрнини босиш бўйича махсус ҳукуматларо ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги 1994 йил 10 январдаги ҳукуматларо битим асосида амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирлар — кўргазмалар, фестиваллар, гастроллар ва форумлар ташкил этилди.

Бу муносабатларга маънавий яқинлик ва кўп асрлик маданий анъаналар, Ўзбекистон ва Қозоғистонда истиқомат қилаётган қозоқ ва ўзбек диаспораси вакиллари муҳим ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда 803 мингдан ортиқ этник қозоқ, Қозоғистонда эса 624 мингдан ортиқ ўзбек истиқомат қилади. Бу "инсоний кўприк" воқеаларга бой алмашинувларнинг муҳим омилдир.

2023-2025 йилларда Самарқанд ва Бухорода Қозоғистон маданияти кунлари, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг Остона ва Олмаотадаги "Лазги" спектакли билан кенг қўламли гастроллари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Санъат, илм-фан ва туризм соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш нафақат миллий маданиятларни бойитиши, балки икки қардош халқнинг ўзаро ҳурмати ва самимий дўстлигига янада ишончли асос яратди.

Бугунги кунда Тошкент ва Остона минтақавий хавфсизликнинг бўлинувчанлигини чуқур англаш ва долзарб муаммоларга ёндашувларнинг фойдаланиш имконини яқинлаштириб туради. Бухорода бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон норасмий саммити, шубҳасиз, глобал нотинчлик ҳўкм сураётган мураккаб даврда "соатларни тўғрилади" ва икки томонлама муносабатлар тамойиллари барқарорлигини таъминлаш, қўшма лойиҳаларга янги суръат бағишлаш, Марказий Осиёни барқарорлик, фаровонлик ва узоқ муддатли яхши қўшничилик маконига айлантириш имконини беради.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ СУРЪАТДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Биринчи аёл раҳбар бўлганим бу воқеанинг аҳамиятини оширади. Лекин бу фақат менинг ютуғим эмас, мендан олдинги аёлларнинг меҳнати натижаси. Улар жамиятда муҳим ўрин тутган, ҳатто ҳар доим етарлича эътироф этилмаган бўлса ҳам.

Мен учун бу нафақат шахсий ютуқ, балки бошқалар учун ҳам йўл очиш масъулиятидир.

Ёшлгимдан саёҳат қилиш ва турли маданиятларни кўриш дунёқарашимни шакллантирган. Бу менга ишим фақат ўзим учун эмас, балки бошқалар учун ҳам фойдали бўлиши кераклигини ўргатган. Туризм ҳам айнан шундай: одамларни ўзаро боғлайди ва имконият яратди.

— Бугун туризм соҳасида сизга нима илҳом беради?

— Мени энг кўп илҳомлантирадиган омил — туризмнинг инсонларга берадиган имкониятлари.

Кўпчилик сайёҳликни дам олиш, пляж ёки саёҳат деб ўйлайди. Бу ҳам тўғри, лекин туризм бундан анча кенг тушуна. У иш ўринлари очди, кичик бизнесни қўллаб-қувватлади, маданиятни сақлайди ва жамоаларни ривожлантиради, айниқса, бошқа соҳалар етиб бормаган жойларда.

Туризм инсон ҳаётининг кўп жиҳатига таъсир қилади. Бугунги бўлиниги дунёда эса у одамларни бирлаштиришга қодир кучли восита бўлиб қолмоқда.

— Яқин йиллардаги асосий устувор вазифаларингиз нималардан иборат?

— Асосий мақсад туризмнинг иқтисодий-ижтимоий самардорлигини оширишдир.

Бунинг учун қарорлар қабул қилишда маълумотлар ва бошқаруви яхшилаш, давлатлар, хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, соҳада ишловчилар ва тизимларни ривожлантириш муҳим.

Энг асосийси, туризм одамлар ва жамиятлар учун ҳақиқатан ҳам фойдали бўлиши керак.

— Келажакда туризм қандай ривожланади деб ўйлайсиз?

— Туризм аллақачон ўзгарапти ва бу жараён янада тезлашади. Одамлар энди фақат саёҳат қилишни эмас, балки мазмунли ҳордиқ чиқаришни истайди. Улар учун барқарорлик, ҳаққонийлик ва янги ҳис-туйғулар муҳим бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга, технологиялар ҳам саёҳатнинг режалаштиришдан тортиб, бошқаришга бўлган жараёнда туризмни ўзгартирмоқда.

Асосий вазифамиз — ўсиш билан масъулият ўртасидаги мувозанатни сақлаш. Агар бу удаланса, туризм янада ривожланади.

— Ўзбекистон ва БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни қандай баҳолайсиз?

— Бугун Ўзбекистон ва БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик жуда яхши ва амалий натижалар бермоқда.

Бу борада, айниқса, Самарқандда ўтказилган Бош Ассамблея йиғилиши муҳим қадам бўлди. Шундан кейин Самарқандда халқаро академия очилди, “Ипак йўли” бўйича тематик офис ташкил этилди.

Бу ишлар ҳамкорлик узоқ муддатли ва стратегик тус олаётганини кўрсатади.

— Ўзбекистоннинг Глобал хавфсиз туризм кодекси ташаббусига муносабатингиз қандай?

— Бу ташаббус жуда долзарб ва муҳим. Ўзбекистоннинг Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Президент билан учрашувда ҳам унинг муҳимлиги ва глобал ноаниқлик шароитида кенг тарқалишини тезлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Туризмда энг асосий омил — ишонч. Агар одамлар ўзини хавфсиз ҳис қилса, саёҳатга чиқади. Акс ҳолда, иккиланади. Шунинг учун бундай кодекс умумий стандартлар яратиш, хавфсизликни кучайтириш, инқирозларга пухта тайёргарлик кўришга ёрдам беради.

Энг муҳими, у амалий ва барча учун очиқ бўлиши керак. Агар тўғри амалга оширилса, туризм ривожига катта ҳисса қўшади.

“Дунё” АА

Мадрид шаҳри



“Дунё” АА

СПОРТ — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ, МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ НАМОЙИШИ

Президентимиз раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши, ҳеч муболағасиз, мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида янги саҳифа очди. Бу йиғилиш спортни миллат саломатлиги, ёшлар тарбияси, ижтимоий интизом, ватанпарварлик ва давлат нуфузининг узвий қисми сифатида кўриш зарурлигини яна бир бор қатъий кун тартибига олиб чиқди.



Дилшодбек РУСТАМОВ, Андижон давлат чет тиллари институти ректори

Йиғилишнинг энг муҳим хулосаларидан бири шуки, спортга энди фақат оммавийлик эмас, балки реал ижтимоий самараси нуқтаи назаридан ёндашилади. Яъни спорт билан шугулланувчилар сонининг ўсиши етарли мақсад эмас. Асосий мезон — аҳолининг соғайи яхшиланаяптими, хасталиклар камаяяптими, жисмоний сустилик кўрсаткичи пасайяптими деган саволларга жавоб топишга бориб тақалади. Бу, аслида, жуда катта методологик бурилишдир. Чунки узоқ йиллар давомида кўплаб тизимларда кўрсаткич учун ишлаш кайфияти кузатилган бўлса, энди самара учун ишлаш даври бошланмоқда.

Маҳалла даражасида “саломатлик баланси”ни шакллантириш, “соғлом ҳаёт волонтерлари” корпусини яратиш, намунали маҳаллаларни рағбатлантириш, тренерларга юқори устамалар белгилаш ҳақидаги топшириқлар

спортни маъмурий тадбир эмас, реал ижтимоий ҳаракатга айлантиришга қаратилган. Бу ёндашувнинг кучи шундаки, у спортни стадион ёки залдан кенгроқ миқёсга олиб чиқади, кундалик турмуш маданиятига айлантиради.

Видеоселекторда олий таълим тизимига алоҳида урғу берилди. Чунки бугун университет ва институтлар фақат билим берувчи маскан бўлиб қолмаслиги, балки соғлом фикрловчи, жисмонан бақувват, ижтимоий фаол ва мақсадли ёшларни тарбияловчи муҳитга айланиши лозим.

Йиғилишда айрим олийгоҳларда спорт клублари номигагина ишляётгани, талабалар жисмоний нормативларни топширишда қониқарсиз натижа кўрсатаётгани танқид қилинди. Бу танқид, аввало, спортни ўқув жараёнининг “қўшимча” қисми деб қарашдан воз кечиш кераклигини кўрсатади. Аслида, талабанинг жисмоний тайёргарлиги унинг руҳий барқарорлиги, меҳнат унумдорлиги, ташаббускорлиги ва ҳатто академик фаоллиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Шу маънода, Президентимизнинг барча олийгоҳ ректорларига бир йиллик спорт режасини ишлаб чиқиш топширигини бергани жуда муҳим. Бу топшириқ қозғоқозилик учун эмас, олий таълим муассасалари ички ҳаётини янгича мезонлар асосида қайта қуриш учун берилди. Бутун ҳар бир ректор спортни фақат жисмоний тарбия кафедраси ёки алоҳида клуб муаммоси деб эмас, бутун таълим муассасасининг ривожланиш стратегияси деб кўриши керак.

Спорт соҳасида Термиз давлат университети тажрибаси мисол қилиб келтирилди. Демак, истак, ташаббус ва тизим бўлса, олийгоҳ талабаларини кенг қамраб олиш, клублар фаолиятини жонлантириш ва салмоқли натижага эришиш мумкин. Энди бу тажриба



Нуқтаи назар

барча олий таълим муассасалари учун амалий дастурга айланиши зарур.

Мазкур йиғилишдан келиб чиқиб, Андижон давлат чет тиллари институтида ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинди. Институт жамоасига йўлланган мурожаатномада бу борадаги устувор йўналишлар очик ва қатъий ифодланди.

Биринчидан, ОТМда ҳар бир талабанинг жисмоний ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ва “саломатлик баланси” асосида индивидуал соғломлаштириш ёндашувини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бу ёндашув талабанинг жисмоний ҳолатини умумий қақриқлар билан эмас, аниқ ҳолат ва эҳтиёж асосида яхшилашга хизмат қилади.

Иккинчидан, замонавий спорт маданиятини шакллантириш мақсадида очик ва ёпиқ майдонларда кросс-фит тўғаракларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу оддий машғулот эмас, балки ёшларнинг чидамлилиги, ўзини енгиш қобилияти ва ирода тарбиясини кучайтирадиган тизим бўлади.

Учинчидан, спортни даромад ва касб манбаи сифатида кўришга қаратилган янги модел институтимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Спортда ютуққа эришган талабаларни маҳаллалардаги тўғаракларга мурабийий сифатида бириктириш, уларга мурабийийлик ва ҳакамлик сертификатларини бериш, тушумнинг муайян қисмини бевосита талабанинг ўзида қолдириш ёшлар ташаббусини

иқтисодий рағбат билан уйғунлаштирадиган мутлақо янги қарашдир. Бундай тизим талабанинг спортга муносабатини ҳам, ўз меҳнатига масъулиятини ҳам кучайтиради.

Тўртинчидан, институтда “Соғлом ҳаёт волонтерлари” корпусини шакллантириш орқали спорт ва соғлом турмуш ғояларини маҳаллаларга олиб кириш режалаштирилмоқда. Бу ташаббус олий таълим муассасасининг фақат ички ҳаёти билан чекланмай, ижтимоий масъулияти кўламини ҳам кенгайтиради.

Ешинчидан, биз спорт ва илм интеграциясига ҳам алоҳида ёндашмоқдамиз. Халқаро спорт тибобети, фармакология, физиология, диетология ва тўғри овқатланишга оид илм адолатларини ўрганиш, таржима қилиш ҳамда амалиётга тақлиф этиш бўйича махсус лингвистик гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйишимиз мумкин. Бу спортни нафақат жисмоний, балки илмий-интеллектуал ривожланиш омил сифатида ҳам кўришдир.

Бугунги вазият спортга фақат алоҳида соҳа ёки профессионал майдон сифатида қараш даври ортда қолганини кўрсатамоқда. Энди спорт оилада, маҳаллада, мактабда, олийгоҳда, меҳнат жамоасида ва бутун жамият ҳаётида умумий маданият даражасига кўтарилиши керак. Ҳафтада бир кун спорт кунини этиб белгилашни, давлат идоралари ва ташкилотларда ходимлар учун спорт машғулотлари йўлга қўйилиши, ҳатто хусусий секторга ҳам имтиёзлар берилиши айнан мана шу умумхалқ ҳаракати ривож учун хизмат қилади.

Спортга қизиқадиган, соғлом турмушни қадрият деб биладиган, ўз иродасини тарбиялаган жамият эртасини мустаҳкам кура оладиган жамиятдир. Шу маънода, спорт фақат чемпион тайёрлаш эмас, балки миллатнинг ички қудратини ўйғотиш масаласи.

Андижон давлат чет тиллари институти жамоасини вазифаларни юксак масъулият билан қабул қилади. Биз учун бугунги вазифа аниқ: хоржий тилини билладиган, дунё билан рақобатлаша оладиган, айни пайтда жисмонан чиққан, соғлом, интизомли ва юксак мақсадли авлодни тарбиялаш. Чунки тил билниш тафқурур уфқини кенгайтирса, спорт ирода ва ҳаёт қувватини мустаҳкамлайди. Янги Ўзбекистон эса айнан ана шундай ҳар томонлама баркамол ёшлар билан юксалади.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ВА ТАРТИБ — ИЧКИ МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ



Оттабек ҲАСАНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Бошланиши 1-бегда

Японияда интизом — жамоавий маданият, Малайзияда — жадал ўсиш стратегияси бўлса, Германияда қонун ва жараённинг муқаддаслиги...

Рақамли интизом архитектураси

Жаҳон таъриби яна шуни кўрсатадики, давлат бошқарувида қатъий интизом ва тайм-менеджмент ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди...

органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида...

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан...

Вазирлар Маҳкамасининг 37 та ҳужжатидаги 154 та топшириқ бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, топшириқларнинг 125 таси тўлиқ ушталди...

Вазирлар Маҳкамасининг 37 та ҳужжатидаги 154 та топшириқ бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, топшириқларнинг 125 таси тўлиқ ушталди...

Шундан 146 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди, назоратдан ечилди ва 65 та топшириқ доимий туста эга бўлгани боис, кейинги муддатга ўтказилди...

Президент Администрацияси раҳбарининг 17 та ҳужжатидаги 31 та топшириқ ижроси бўйича тегишли ишлар қилинди. Хусусан, топшириқларнинг 20 таси тўлиқ бажарилди...



Сўз, амал ва масъулият туташган ерда юксалиш бошланади. Бугун маънавият минбарларида эмас, электрон тизимлардаги шаффофликда, фуқарога ўз вақтида берилган жавобда намён бўлади...

ИЖРО ИНТИЗОМИ ИДОРАЛАРАРО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Вазирлар Маҳкамасининг 37 та ҳужжатидаги 154 та топшириқ бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, топшириқларнинг 125 таси тўлиқ ушталди...

Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, давлат раҳбарининг ҳужжатларида белгиланган топшириқлар сони 2023 йилдаги 104 тадан 2024 йилда 145 тага, 2025 йил якунига кўра эса 223 тага етган...

механизмларини қўллаш ҳамда натижадорликка йўналтирилган тизимли бошқарува ўтиш заруратини тақозо этмоқда.

Кўриниб турибдики, рақамлаштирилган “Ijro.gov.uz” тизими давлат органларида соат механизми каби аниқлиқни ўрнатмоқда. Юқоридаги рақамлар шунчаки навбатдаги ҳисобот эмас, бевосита жамият маънавияти ва маърифатига масъул бўлган марказий идора ходимларининг халқ олдидagi ҳисобдорлигини кўрсатувчи амалий барометрдир.

Халқ билан мулоқот — самарадорлик гарови

2026 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида халқ мурожаатлари билан ишлаш тизимини янги даражага кўтариш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилишга бағишлаб ўтказилган махсус йиғилишда аҳоли дардини эшитиш, ҳар бир мурожаатга адолатли



Сўхдаги ўзгаришлар ҳар бир оиллага фаровонлик олиб кирмоқда

Президентимиз Фарғона вилоятининг Сўх туманини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди. Бу сўхликлар ҳаёт тарзида янги имкониятлар эшигини очди.



Фарҳоджон МИРШАРИПОВ, Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррири ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари, “Дўстлик” ордени соҳиби

туманимизга том маънода янги ҳаёт олиб келди. Президентимизнинг сиёсий иродаси сабаб янги йўللар очилди. Чегарадан ўтиш енгиланди. Тадбиркорлик учун шaroитлар яшиланди. Замонавий боғча, мактаб, поликлиника ва уй-joyлар барпо этилди.

Эсимни танганимдан буён Сўх дарёсидан сув ташиб ичганмиз. Ёзда чанг, қишда лой, музлама кўчаларда юриш амри маҳол эди. Сал шамол турса, чироқ ўчарди. Қўшни шаҳар ва туманларга бориб келишдаги қийинчиликлар одамларнинг силласини қуритган. Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Исталган манзилга эмин-эркин бориб келяпмиз. Йўлларимиз асфальтланди, пийдалар учун алоҳида йўлак, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилгани айни мудоао. Йўлсозларга раҳмат, кўчаларимиз тунлари ҳам кундузгидек чароғон. Сўхда кўп қаватли уйлар қурилади деса, ҳеч ким ишонмаган. Бугунга келиб Чашма, Девайрон, Навобод маҳаллаларида қават-қават турар joyларга ҳайрат ва ҳавас билан боқасиз.



да пардозбоп тош ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган. Бу ерда Сўх дарёсидан 223 метр балангликка сув чиқарилиб, Жавпояга олиб келинди. Секундига 200 литр сув тортиш қувватига эга 5 та насос станцияси қурилди. Натижада 1000 гектар ер фойдаланишга киритилган. Асрлар давомида эътибордан четда, қаровсиз бўлган ерлар яшилликка бурканди, янги мевали боғлар буй кўрсатди.

Маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан қурилиш мармари, ёғоч уйлар, туризм тармоқлари, микро ГЭСлар қуриш борасида истиқболли лойиҳалар рўйбга чиқариляпти. Заҳириндин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да бир муддат Сўхда яшагани ҳақида қимматли битиклар қолдирган. Тоғ манзарасига ошuftа бўлган гўзал табиатли, меҳмондўст одамлар билан боғлиқ хотиралар бугун ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Бу ердан

топилган осор-атиқалар, чор тарафдан ўраб олган пувиқор тоғлар, кўнгилларга ошuftа оқаётган зилол сойлар кўҳна замин ахди азалдан меҳнатсевар эканидан далолат бериди. Қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро борди-келиди, чегарадан ўтишда яратилган қўлайликлар туфайли туманда туризм тармоқларини ривожлантириш орқали сайёҳлар оқими кўпайди. Экотуризм ва хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириляпти. Қўламини кенг эгу ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Йиғилишда туманининг туризм салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Энди Сўх дарёсининг Сариканда, Равон ва Истиқбол маҳаллаларидан ўтган қирғоқларда янги туризм объектлари қурилади. Бу аҳоли учун иш ўрни, барқарор даромад дегани. Сўхликлар қувончига сабаб бўлган яна бир йирик лойиҳа реабилитация, физиотерапия, доридармон логистикаси ва табиий таълимни бир ҳудудда жамлаган табиий хизматлар кластерини ташкил этиш режаси бўлди. Умуман, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида 60 миллион доллар инвестиция жалб қилинади. Очиги, аввал Сўх каби туман учун 6 минг доллар сармоя олиб келиш ҳам маҳол эди. Шунинг ўзиде янгиликлар қўламини қанчалик кенг эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таъбиқ этилиши мониторинг ва таҳлил тизимини янги босқичга олиб чиқди. Рақамли платформалар имкониятидан фойдаланиш нафақат мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш, балки тақрирланувчи муаммоларни илдизи билан аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли ечимлар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, худудлардаги долзарб масалаларни барвақт ҳал этиш ҳамда давлат бошқарувида юқори самарадорликка эришиш гаровидир.

Тараққиёт техникаси

Давлат хизматчисига халқ ва давлат тақдири ишониб топширилади. “Ijro.gov.uz” тизимига келиб тушган ҳар бир топшириқ ёки мурожаат замирида инсон тақдири ётади. Уни пайсалга солиш, ўз вақтида бажармаслик ёки юзаки ёндашиш қонунан интизомий жазо бўлса, шарқона маънавий мезонларида омонатга хиёнат, яъни оғир маънавий жавобгарлик сифатида баҳоланади. Ижро интизоми бу ўринда ходимнинг виждон кўзгусига айланади.

Ижро интизоми ва тайм-менеджмент тусунчаларини миллий қарашларимизда ифода этадиган бўлсак, маърифатпарвар жадид боларимизнинг меросига эътибор қаратишимиз керак. Абдурауф Фитрат исрофгарчилик деганда фақат тўй-ҳашамлар ёки мол-дунё исрофини эмас, биринчи навбатда, вақт ва умр исрофини назарда тутган эди. Давлат идорасидаги бюрократия, фуқаронинг сарсон қилиниши ёки битта ҳужжатнинг ҳафталаб тасдиқ кутиши миллат вақтини ўғирлаш, тараққиёт кушандаси ва мудҳиш исрофгарчиликдир.

Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам мақолаларида тараққиёт этган миллатларнинг асосий сирини уларнинг қатъий интизоми ва тартибда эканини куйибди ёган. Жамиятнинг ўзгартириш учун қуруқ ҳис-туйғулар етарли эмаслиги, қилинган ҳар бир ният (топшириқ) аниқ ва муқаддас ҳаракатга айланиши кераклигини уқтирган.

Жадидларимиздан кейинги ўтган авлоди фаолиятига назар ташласак ҳам интизом ва тартиб улар учун энг муҳим таянч бўлганга ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, атоқли навоийшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони Нурмоҳаммад Ганиева бир сўхбатда “Менинг ҳаётда ва илмда эришган барча ютуқларимга фақат мунтазамлик, қатъий интизом сабаб бўлган”, деган эди.

Янги Ўзбекистонда жорий қилинган рақамли назорат тизими аслида ана шу ички маданиятнинг шакллантиришга қаратилган турткидир.

Инсон табиатини қўлайлик ва хотиржамликка мойил. Қатъий интизом ҳодимда, аввало, ўзини ўзи назорат қилиш, вақтни қадрлаш ва ўз касбини садоқат ҳиссини тарбиялайди. Айниқса, жамиятнинг маънавий қиёфаси учун бевосита масъул бўлган Республика Маънавият ва маърифат маркази тизимида ижро интизоми алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маънавиятнинг тарғиб қилувчи энг маскани ўз фаолиятида очкилик ва халқ билан мулоқот (мурожаатлар билан ишлаш маданияти)да бошқа барча идорага ўрнатилган энг муҳим маънавий масъулиятдир.

Сўз, амал ва масъулият туташган ерда юксалиш бошланади. Бугун маънавият минбарларида эмас, электрон тизимлардаги шаффофликда, фуқарога ўз вақтида берилган жавобда намён бўлади. Чунки замонавий давлатда маънавият ҳиссиёт эмас, балки ишлайдиган тизимдир.

Шундай экан, ҳақиқий зиёлилик баландпарвоз гапирибди эмас, мунтазамликда, топшириқни ўз вақтида адо этишда йилланади.

Интизом — тараққиёт техникаси, масъулият эса унинг маънавий драйверидир.

Қутилаётган натижа шунга яраша. Қарийб 2 минг иш ўрни яратилди. Туризм хизматлари ҳажми 15 миллиард сўмга, экспорт эса 2 миллион долларга оширилди.

Ҳар бир маҳаллада 10 тадан, жами 300 та микролойиҳа ишга туширилади. Лойиҳалар имтиёзли кредит ресурслари эвазига қўллаб-қувватланиб, 8,6 минг аҳоли касб-ҳунарга ўқитилади. Ижтимоий ва инфратузилма объектлари учун қўшимча маблағлар ажратилди. Бунинг барчаси аҳоли кундалик ҳаёт тарзи, фаровонлигига берилган катта эътибор ва рағбат.


Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Лойиҳалар ҳар бир худуднинг имконияти ва иқлим шaroитидан келиб чиқиб танланмоқда. Бу эса бошланган ишлар самарадорлиги ва мунтазамлигини таъминляпти. Масалан, Қайроқ массивидаги 425 гектар яйловда мевали боғлар, Чашма маҳалласидаги 60 гектар ерда заъфарон плантациялари, Озод ва Сўх ҳўжалиқларига қарашли 100 гектар майдонда картошка етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш тақлиф этилди. Навобод маҳалласида гулмоҳи (форель) балиғи етиштириш, Девайрон ва Тулдаш худудлари оралигида ўзюклар сугорғис тармоғи қурилиши ҳисобидан 500 гектар мевали боғ яратилиши, қўшимча 300 гектар экин майдонини ўзлаштиришга эътибор қаратилди. Умуман олганда, бунёдкорлик, ободончилик, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағаллик, ишсизликдан холи худудга айлантириш йўлида янги ислохотларга старт берилди.

Ҳаётбахш ислохотлар сўхликлар қалбига қувонч, шодлик, шукроналик, дахлдорлик туйғуларини олиб кирди. Буларнинг барчаси олис тоғли қишлоқларда янги Ўзбекистоннинг янги тамаддунини юз очиб, тараққиёт этаётганидан далолат беради.



САВДОДАГИ ДОИМИЙ ШЕРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕП ҚИЛИНГ!

Афғонистон биз учун янги, ҳали тўлиқ ўрганилмаган, аммо катта салоҳиятга эга бозорлардан бири. Кейинги йилларда юртимиз маҳсулотларининг ушбу бозорга кириши фаоллашган. Бу, бир томондан, 40 миллионга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Афғонистоннинг минтақадаги энг йирик истеъмол бозорига эгаллиги, бошқа жиҳатдан, мамлакатда тайёр маҳсулотларга ҳам, инвестицион лойиҳаларга ҳам талаб юқорилиги билан изоҳланади.

Миллий маҳсулотларимизнинг афғон бозорига кириб боришида ҳар икки томон бирдек фаоллик кўрсатмоқда. Йил давомида икки давлат бизнес вакиллари, тадбиркорлари ўртасида бир неча учрашувлар, кўргазмалар, ишбилармонлардан иборат делегациялар ташрифлари ташкил этиляпти. Ҳатто ўтган йилнинг ноябрь ойида Афғонистоннинг

иштирок этди. Ташриф фаол учрашувлар, бизнес-тадбирлар, қолаверса, янги битимларга бой бўлди.

Асосий воқеликлардан бири Ўзбекистон — Афғонистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этилгани бўлди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида мазкур кенгашнинг биринчи йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.



5 миллиард долларлик мўлжал

Ўзбек ва афғон халқларини азалдан қўшничилик ва дўстлик ришталари боғлаб туради. Аммо яқин йилларгача қардош давлат бозорига нисбатан ёпиқ тизим сифатида, қолаверса, қўрқув билан қаралган. Чегараларда шаффофликни таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Кўргазмалар, бизнес-форумлар ва В2В учрашувларни мунтазам ташкил этиш орқали ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш режалаштирилди. Бу ўзаро саноат кооперациясини ривожлантириб, савдони кенгайтириш учун имкониятлар яратди. Тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан тўғри мулоқот янги шериклар топиш ва инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Учрашувда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, рақамли божхона тизимларини жорий этиш, молиявий ва сўғурта хизматларини ривожлантириш ҳамда савдо жараёнида шаффофликни таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Кўргазмалар, бизнес-форумлар ва В2В учрашувларни мунтазам ташкил этиш орқали ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш режалаштирилди. Бу ўзаро саноат кооперациясини ривожлантириб, савдони кенгайтириш учун имкониятлар яратди. Тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан тўғри мулоқот янги шериклар топиш ва инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилади.

йиллардаги нисбатан 50 фоиз ўсиш экани айтилмоқда. Энди эса мазкур рақамни 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу шунчаки қўланаётган марра эмас, балки ўрганишлар, имкониятларни таҳлил қилиш орқали белгиланган аниқ вазифадир.

Яъни бу борада ҳар икки томон имкониятлари чамаланган. Узоқ кутмасдан, уларни ишга солиш керак. Ҳаракатлар тобора фаоллашиб бораётгани боиси шунда. Асосийси, иккала давлат ўзи учун янги бозорга дадил кириб бормоқда. Бу тадбиркорларга ҳам янги имкониятлар очаяпти. Масалан, Афғонистон бозорига импорт маҳсулотларга талаб ниҳоятда катта бўлиб, бу юртимиз ишбилармонларини экспортни оширишга ундайди.

— Очиги, Афғонистон бозорига таваккал кириб боргандик. Аммо у ерда сифатли маҳсулотларга талаб юқорилигини кўридик, — дейди Ўзбекистоннинг "PREMIER" компанияси вакили Шухрат Комилов. — Мамлакатда кечаётган янги ўзгаришлар сабаб иқтисодий ҳамкорликка кенг йўл очилган. Қолаверса, маҳаллий маҳсулотларимиз у ерда анча харидордир. Шу боис, аста-секин маҳсулотларимиз сонини ошириб, турини янгилаб бораёямиз. Бугунга қадар 500 миң долларликдан ортиқ маҳсулот экспорт қилдик. Бу кўрсаткични икки баравар ошириш имкониятларимиз бор, ҳозир шунинг ҳаракатидамыз. Мухими, Афғонистон бозорига нисбатан аввалгидек қўрқув, иккилангишлар йўқ. Ҳозир ушбу мамлакат билан нафақат иқтисодий, балки дўстона муносабатларимиз ҳам ривожланиб бораётгани биз, тадбиркорларни янада фаолроқ ҳамкорликка ундайтапти.

Афғонистон ҳам иқтисодий муносабатларини фаоллаштириш ҳаракатида. Яъни ўзаро савдо импорт билан бирга экспортни оширишга интилоқда. Шу боис, афғон делегацияси вакилларининг юртимиздаги ташриф доирасида Тошкент шаҳрида илк бор "Made in Afghanistan Expo — Tashkent 2026" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Афғонистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар намоиши этилди.

“Ўзбек ва афғон халқларини азалдан қўшничилик ва дўстлик ришталари боғлаб туради. Аммо яқин йилларгача қардош давлат бозорига нисбатан ёпиқ тизим сифатида, қолаверса, қўрқув билан қаралган. Чегаралардан ўтиб-қайтиш енгиллашиб, ўзаро дўстлик ва ишонч эшикларини очилиши ортидан савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам кенгайиб бормоқда.

Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон миллий маҳсулотлари сотиладиган катта савдо маркази очилди.

Яъни ўртадаги ўзаро савдо алоқалари тобора кенгайиб, янги формат ва босқичга ўтиб борапти. Афғонистон томони ҳам бундан манфаатдор бўлгани ҳолда барча соҳаларда иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга интилоқда. Шу йилнинг март ойи охирида Афғонистон Савдо ва инвестиция палатаси раиси Муҳаммад Карим Ҳошимий бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлиб, қатор иқтисодий тадбирларда

— Бу ҳар икки томон бизнеси учун мутлақо янги платформа бўлиб, кенгаши тузилишини тарихий воқелик сифатида баҳолаш мумкин, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси маслаҳатчиси Жамил Мақсудий. — Кенгаш таркибига жами 32 вакил киритилган. Улар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, тадбиркорлар ўртасида тўғридан тўғри ҳамкорликни ривожлантириш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда кўп-риқ вазифасини ўтайди. Биринчи йиғилишдаёқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

“Қиш гамини ёзда е”, деган нақл бор. Чунки аёзли кунларда ҳамма ишни тўлиқ бажаришга имконият бўлавермайди. Албатта, ҳар бир иш ўз вақтида бажарилгани маъқул. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган манзил одамлари учун эса қишнинг таъсири деярли сезилгани ҳам йўқ. Боиси, рўзгор учун керакли маҳсулотларни аллақачон даласида етиштириб, ғамлаб қўйган. Ҳамма нарса учун бозорга бориб ўтмайди. Йўлингиз тушиб, айна саратонда шу томонларга келиб қолсангиз, бунинг сабабини билиб оласиз.



Мавсумда 25 миллион сўмгача кирим

Кичиклигиданоқ қулоғига райхон қириб юришни одат қилиб ўлайган Озоданинг гулларга меҳри бўлакча. Айна саратон кунлари келинлик либосида янги хонадонга қадам қўйганда ховлидаги гулларга кўзи тушиб, ҳайратини яшира олмаган. Қишлоқдаги мактабда муаллим бўлиб ишлайдиган турмуш ўртоғи баҳорда “Мана, сенга олам-олам гул”, деганча бир боғлам гулхайри кўчатини тутқазган. Уни қандай парваришласан, қайси вақтда “ҳосили”ни териб олишини ўрганган Озода ҳам тез ишга киришди. Чунки бу гул манзарали бўлиш билан бирга оилага яхшигина даромад ҳам келтиради.

Аёлига гул парваришини ишониб топширган Миржалол ҳам ҳар сафар мавсум охирида безовталаниб қолади. Ахир бу паллада галвир сувдан кўтарилиб, “жуза саналадиган” пайт бошланади. Етиштирилган доривор ўсимлик ҳосилини топшириш учун йўлга чиққан эр-хотин яхшигина маблағ билан қайтади. Меҳнатнинг таги роҳат, деганларидек, кечга томон уйда аччиққина чой ичиб, пешана тери эвазига топилган маблағни санашининг гаши ўзгача. Фойданинг салмоғини яхши билса-да, яна бир бор ҳисоб-китоб қиларкан, муаллимнинг юзидан мамнунлик акс этади: “Чўғи ёмон эмас. Ўтган йили даромад 20 миллион сўмга яқин эди. Бу йил 25 миллиондан ошди. Демак, мавсум ёмон бўлмади”.

Рўзгорнинг қами бут, турмуш ташвиши арийдиган бўлди. Ортгани яхши кунга ният қилинди. Айна пайтда омборхонага керакли озиқ-овқат маҳсулотлари захира қилинди. Шу сабаб қиш кунларида ҳам хотиржам, пинак бузишмайди.

ЁШ ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ МИНГДАН ЗИЁД ХОНАДОНГА ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА

Чим маҳалласида бу оила кўпчиликка намуна. Жумладан, Сарбозор маҳалласида яшовчи Насриддин Чориев ҳам томорқасига гулхайри экканди. Аввалига шу биргина ўсимликдан мўмай маблағ ишлаб топшишга унчаллик ишонмади. Дастлаб бир сотих ерга эди. Ўзи бор бўлиб, уруғи униб чиқишга қадар парваришлади. Кейин турмуш ўртоғи қарайдиган бўлди. Икки ойда ниҳоллар гуллаб, ҳосил йиғиштириб олинадиган пайт келди. Одатда гул барги терилиб, қуритиб олинади ва ҳар уч-тўрт кунда шу ҳолат тақорланади. Кузга қадар анчагина ҳосил олинади.

— Илгари томорқадан фойдаланиб, яхши даромад топиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман, — дейди Насриддин Чориев. — Кўшни қишлоқдаги тадбиркор йиғитнинг ташаббуси билан бугун бир қарич ер бўлса ҳам фойдаланилмоқда. Уруғни ўзлари беради, ҳосилни ҳам ўзлари сотиб олади. Узоққа бориб юриш шарт эмас. Ҳаммаси шу ҳудуднинг ўзида бажарилади. Бугун ҳудудимизда ишсиз одам деярли қолмади. Тўрт йилдан буён ўзим ҳам ҳовлимизга гулхайри экди, қўшимча пул ишлаб топишман. 2025 йилда 3 сотих ердан 30 миллион сўм даромад олдим. Бу йил ҳам шартнома тузганмиз.

“Янги лойиҳаларни ҳам ишга туширишни мақсад қилган. Бунинг эвазига ҳозир 40 киши доимий иш билан таъминланган бўлса, яна 30 иш ўрни очилади. Мавсум пайтида эса кунига 300 дан зиёд киши иш билан банд қилинади.

Икки фарзандини ёлғиз вояга етказаятган Шахноза Бозорова айнан гулхайри етиштириш ортидан рўзгор тебратмоқда. Илгари бирор жойда ишламаган. Шу боис, турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг иш топиш илн-жида эди. Бугун ҳалол меҳнати туфайли томорқасидан 15-20 миллион сўм даромад олмоқда.

Қишлоқдан Европага экспорт

Бундан бир неча йил аввал Азамат Чориев тадбиркорлик қилиш истағида ҳаракат бошлади. Унинг илмга қизиқиши, чет тилини

яхши билиши хориждаги компаниялар билан мулоқот қилишига қўл келди. Натияжада бир қанча танишлар орттириб, бизнес ҳамкорлик қилиш борасида музокаралар олиб борди. Қатор таклифларни ўрганиб чиқди.

Мамлакатимиз иқлими билан яхши танишиб чиққан хорижлик мутахассислар Азаматта доривор ўсимликларни кўпайтириб, қуритилган ҳолда етказиш таклифини берди. Бу қамалиш ёш тадбиркорга маъқул келди. Шундан сўнг йиғит икки-уч марта чет элда тажриба ошириб қайтди. Доривор ўсимликларини етиштириш жараёни билан танишди. Бу соҳада яхшигина малакага эга бўлгач, иш бошлади.

Дастлаб табиий иқлимга мос гулхайри турини кўпайтириш ишлари сонидан ўтказилди. Тез ўсадиган бу ўсимликдан мўмай даромад олиш мумкинлигига кўзи етгач, ҳаракат бошлади. “ББУ Азамат” маъсуляти чекланган жамиятини ташкил этиб, халқаро ташкилотлар билан шартномалар тузди.

Аввалига ороқ майдонда етиштирилган ҳосилни экспорт қилиб кўрди. Илк натижалар хорижлик ҳамкорларга маъқул келди. Сўнг маҳсулотларни янада кўпроқ етказиш таклифи қилинди. Тадбиркор бунинг ҳам имконини топди. Қишлоқ аҳолисига бўш турган ердан унумли фойдаланишни таклиф қилди. Одамларга керакли ниҳолларни етказиб бериб, ҳосилини ҳам ўзи сотиб олишини айтганида, дастлаб кўпчилик эътибор бермади. Аммо бунга қизиққанлар яхшигина маблағ ишлаб топа бошлагач, гулхайри экиш истағидегилар кўпайди.

— Университетда қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича ўқиганман, — дейди Азамат Чориев. — Магистратурани Англияда ўқидим. Хорижда билим олиш билан бирга шу

150 дан ортиқ афғон компанияси озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, тўқимачилик, заргарлик, гиламчилик ҳамда миллий хунармандлик маҳсулотлари билан иштирок этди. Икки давлат тадбиркорлари ўртасида бизнес-учрашув ва мулоқотлар, тақдиротлар ўтказилди. Павильонлар билан танишган меҳмонлар афғон ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини юқори баҳолади.

Бу ҳар икки давлат ўртасида савдо алоқаларини ошириш имкониятлари юқори эканидан далолат. Ўлардан фойдаланишга бўлган интилиш барча соҳаларда яққол кўзга ташланаяпти. Хусусан, кунги кеча Ўзбекистон Афғонистон билан фармацевтика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириб, икки томонлама савдо ҳажмини 500 миллион долларга етказишни режалаштираётгани хабар қилинди. Икки томон масъулари ўртасида расмий учрашув ўтказилиб, шунга келишилган. Бунга эришиш учун қўшма тезкор ишчи гуруҳ ташкил этилиб, йирик дистрибьюторлар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда афғон капиталли иштирокидаги 500 дан ортиқ компания фаолият юритмоқда. Уларнинг аксари кейинги йилларда иш бошлаган. Яъни афғонлар ҳам Ўзбекистонга ишончли ва истиқболли бозор сифатида қарамоқда. Ўз инвестицияларини киритиб, бизнесларини йўлга қўяпти. Янги ташкил этилган Ўзбекистон — Афғонистон ишбилармонлар кенгаши икки давлат ўртасидаги ана шундай ҳамкорлик муносабатлари, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсад қилинган.

— Ушбу платформа ўзбек-афғон тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни мутлақо янги босқичга олиб чиқади, — дейди Афғонистон Савдо ва инвестиция палатаси раиси Муҳаммад Карим Ҳошимий. — Бу нафақат савдо-иқтисодий, балки ўзаро бирдорлик алоқалари мустаҳкамлаштиришга хизмат қилади. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатда афғон ишбилармонлари учун барча имконият ва шарт-шароитларни яратиб бераётгани бизни қувонтиради. Қисқа вақтда икки давлат ўртасидаги товар айланмасини 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган ҳам ҳаракатларнинг аниқ ва жиддий эканини кўрсатади. Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан муштарак ишлаб, бу мақсадга албатта эришамиз. Кенгашнинг илк йиғилишида кўплаб муҳим масалаларни муҳокама қилиб олдим. Айна пайтда Ўзбекистондан Афғонистонга экспорт жуда яхши кетаяпти. Жараёнларда шу каби жиҳатларга эътибор қаратилиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини бирдек фаол ривожлантириш кўзда тутилган. Ҳар чоракда кўргазмалар ўтказишни ҳам келишиб олдим.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

йўналишида ишлашга ҳам ҳаракат қилдим. Мутахассисларнинг тажрибасини ўрганишга интилдим. Биологияга қизиқишим юқорилиги сабаб ўсимликлар ҳақида кўпроқ маълумот йиғиб юрардим. Кейинчилик доривор ўсимликларини етиштириш борасида малака оширдим. Шу жараёнда косметика ва фармацевтикада кенг қўлланадиган ўсимликлар билан қизиқдим. Чет элдаги мутахассисларга айрим ўсимликларни Ўзбекистонда етиштириш таклифини бердим. Аммо улар бу муаммо эканини айтди. Сабаби улар айтан доривор гиёҳ ҳамма жойда ҳам ўсмас экан. Таваккал қилиб, синаш учун бир неча туп экиб кўрдим. Иқлимимизга мос экан, биринчи йилнинг ўзида кутилмаган натижага эришдик. Хорижлик ҳамкорлар маҳсулотимизни лаборатория текширувидан ўтказиб, ҳайрон қолди. Шундан сўнг уларнинг ҳамкорликка қизиқиши ортди. Шу билан ишимиз ривожланиб кетди. Тадбиркорлар учун яратилган имтиёزلардан фойдаланиб, кам бўлмадим. Ҳали режаларимиз кўп.

Бугун Қамати туманининг “Чим”, “Қўшқапа”, “Сарбозор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидagi мингдан ортиқ хонадонда доривор ўсимлик етиштирилмоқда. Бир мавсумда шунча хонадоннинг ҳар бирига ўртача 30 миллион сўмнинг кириб бориши ҳудудда камбағалликни қамайтиришга кўмаклашмоқда.

Тадбиркорнинг маълумотларига кўра “ББУ Азамат” маъсуляти чекланган жамияти ҳозир Европа давлатларига маҳсулот экспорт қилиб келмоқда. Мисол учун, 2025 йилда 3 миллион долларга яқин қийматдаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил учун 3,5 миллион долларлик шартнома имзоланган. Эътиборли жиҳати, дунё бозорига доривор ўсимликларга талабни таъминлашда Азамат Чориев юқори ўринларни эгаллаган.

Албатта, тадбиркор бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас. Бу йилги мавсумда доривор ўсимликлар сонини кўпайтириб, янада кўп одамнинг бандлигини таъминлаш ниятида. Шу билан бирга, янги лойиҳаларни ҳам ишга туширишни мақсад қилган. Бунинг эвазига ҳозир 40 киши доимий иш билан таъминланган бўлса, яна 30 иш ўрни очилади. Мавсум пайтида эса кунига 300 дан зиёд киши иш билан банд қилинади. Азамат Чориевнинг айтишича, 2025 йил омадди келган. Ўтган йили декабрда давлатимиз раъбарининг “Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари куну муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юрдошларимиздан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, “Шухрат” медали билан тақдирланди. Бу юксак рағбат ёш тадбиркорни янги марралар сари чорлаши шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



СОҲИБҚИРОН МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

Муносабат

ЭНДИ ЭЪТИБОР ЮҚОРИ ПОҒОНАГА КЎТАРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси тубдан янгиланиб, замон талабларига мос равишда қайта ташкил этилди.



Хуришд ФАЙЗИЕВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент

Мазкур янгиланиш, аввало, музейларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади. Чунки ҳар қандай музей нафақат тарихий ёдгорликлар сақланган максад, балки маънавий ва маърифат уюмидир. Шу нуқтан назардан, уни доимий равишда замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, экспозицияларни бойитиб бориш устувор вазифалардан.

Янгиланган экспозициянинг энг муҳим жиҳатларидан бири темурийлар даврига оид ноёб ашёларнинг музейга олиб келинишидир. Хусусан, музей фонди энг қимматли тарихий экспонатлар билан бойитилди. Бу эса янги Ўзбекистонда илк бор амалга оширилган муҳим ташаббус сифатида алоҳида эътиборга молик.

Бугунга қадар темурийлар даврига оид асл ашёлар нафақат мазкур музейда, балки республика миқёсида ҳам нисбатан кам эди. Янги экспонатлар келтирилиши ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши муҳим тарихий қадам бўлди. У ерда ҳам Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган экспозиция йўлга қўйилиб, ноёб ва оригинал ашёлар билан бойитилди. Бу каби ислоҳотлар нафақат маҳаллий аҳолида, балки хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Янгиланган музейнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг илғор ахборот технологиялари асосида жиҳозланганидир. Эндиликда ташриф буюрувчилар экспонатларни кўриш, улар ҳақида ўзбек, инглиз ва рус тилларида тўлиқ маълумот олиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бу эса музей хизматларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Яқинда давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишиш жараёнида ҳар бир экспонатга алоҳида эътибор қаратиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича муҳим тавсиялар берди. Жумладан, темурийлар даври тарихи ва маданиятини ёритувчи илмий ва бадий асарларни кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Албатта, бундай эътибор ва қўллаб-қувватлаш зимманинг янада катта масъулият юклайди. Зеро, ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда ана шундай маънавий максадаларнинг ўрни беқиёс.

Кенгаш давлат бошқарувида доимий аҳамиятга эга бўлган. Амир Темур турли фикрларни тинглаб, уларнинг яхши ва ёмон томонларини чуқур ўйлаб кўрган ҳолда энг тўғри йўлни танлар эди. Демак, машварат сўзсиз қабул қилинадиган жамоавий ҳукм

Ушбу тарихий ғоялар бугунги янги Ўзбекистоннинг конституциявий модели билан мазмунан ҳамоҳангдир. Конституциямида Ўзбекистон бошқарувининг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани,


“Куч — адолатда” тамойили XIV аср охири ҳамда XV аср бошларида Самарқанд нафақат пойтахт, балки қитъалараро мулоқот, карвонлар қатнови, элчиларнинг келиб-кетиши ва маданий алмашинувларнинг улкан марказига айланди. Бу ҳолат Амир Темур давлатининг ташқи дунёга ёпиқ эмаслигини, аксинча, мулоқот учун очиқ ва стратегик жиҳатдан тўғри йўналтирилган сиёсий макон бўлганини кўрсатади.

эмас, балки ҳукмдорнинг иродасини пухта-лаштирувчи ақлий саралаш жараёни бўлган.

давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши белгиланган бўлган. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барқарор тараққиёт, инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ва самарали давлат бошқаруви устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шу маънода, Амир Темур давридаги адолат ва фозил жамият ғояси бугунги кунда ҳуқуқий ва ижтимоий давлат тамойилларида янгича мазмун билан давом этмоқда.

Дипломатия ва Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши

XIV аср охири ҳамда XV аср бошларида Самарқанд нафақат пойтахт, балки қитъалараро мулоқот, карвонлар қатнови, элчиларнинг келиб-кетиши ва маданий алмашинувларнинг улкан марказига айланди. Бу ҳолат Амир Темур давлатининг ташқи дунёга ёпиқ



лиқни жиҳозлаш ва жамиятда мувозанат ўрнатишда деб тушунган. Шу маънода, адолатсиз куч емирувчи омилга, адолат билан бошқариладиган куч эса бунёдкор қудратга айланади.

Фозил жамият ғояси ҳам айнан шу мантиқнинг узвий давомидир. Бу қандайдир утопик жамият эмас, балки тартиб, меҳнат, савдо хавфсизлиги, ижтимоий масъулият ва ахлоқий меъёрларга таянган реал давлат ҳамда жамият тасаввуридир. Бундай муҳитда давлатнинг вазифаси фақат ҳукмронлик қилиш бўлмай, тинч иқтисодий муомала, хунармандлик, фаровон шаҳар ҳаёти ва ижтимоий мувозанат учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

эмаслигини, аксинча, мулоқот учун очиқ ва стратегик жиҳатдан тўғри йўналтирилган сиёсий макон бўлганини кўрсатади.

Амир Темур даврида савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш давлат сийосатининг марказий масалаларидан бирига айланган эди. Ички тартибни сақлаш, карвон йўллари муҳофазаси қилиш, бозорлар устидан назорат ўрнатиш ва шаҳарларнинг барқарорлиги савдо ривожининг асосий шартлари бўлиб хизмат қилди. Хитой, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Миср, Рум ва Европа давлатлари билан товар алмашинуви кучайгани, Самарқанд бозорларига турли мамлакатлардан маҳсулотлар келтирилгани ҳақидаги тарихий маълумотлар Амир Темур салтанатининг улкан геоиқтисодий қудратидан далолат беради.

Дипломатия ҳам ушбу тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Амир Темур саройига Миср, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларининг ташриф буюриши, Испанияга элчилар юборилиши ва Клавиво сафарининг амалга оширилиши унинг ташқи сийосати нақадар кенг қамровли бўлганини кўрсатади. Бу муносабатлар шунчаки дипломатик протокол бўлиб қолмай, балки савдо вазифалар ҳам белгиланган тан олинмиш ва стратегик мулоқот воситаси вазифасини ҳам бажарган.

Соҳибқирон турли давлатлар билан муносабатларда нафақат қўшин кучига таянган, балки мактуб алмашини, элчилар юбориш,



Наим ОБЛОМУРADOV,
тарих фанлари доктори, профессор

Бугунги кунда Амир Темур шахсиятига мурожаат қилиш шунчаки тарихий хотира эҳтиёжи эмас, балки миллий давлатчилик ва тафаккури, тарихий адолат ва цивилизация ўзликини англаш билан боғлиқ масаладир. Амир Темур феноменига оид манбалар ва тадқиқотлар унинг шахсига турли даврларда турлича баҳо берилганини кўрсатади. Шу боис, Соҳибқирон фаолиятини давлатчилик, адолат, ҳарбий санъат, дипломатия, маънавий мерос ва замонавий талқин нуқтаи назаридан, манбалар қиёси асосида таҳлил қилиш муҳим вазифалардан қилибдир.

Амир Темур давлатчилигининг институционал негизи

Амир Темур барпо этган салтанатнинг барқарорлиги тасодифий кучга эмас, балки муайян институционал асосларга таянган эди. У ҳокимиятни тартибга солинган сиёсий ирода, марказлашган бошқарув, хизмат ва садоқат тамойиллари асосида ишлайдиган мукаммал давлат механизмига айланганди. Бу давлат тизимини марказий ҳокимият устувор бўлса-да, унинг амалий фаолияти сарой, девон, ҳарбий қўмондонлик, ҳудудий бошқарув ва молиявий назорат институти турли орқали самарали юритилди.

“Темури тузуқлари”да давлат ишларини юритишда вазирлар, қўшин бошлиқлари, амирлар ва турли тоифа хизматчиларнинг вазифалари аниқ ажратиб кўрсатилгани бежиз эмас. Мазкур манбада давлат хизматига қўйилган талаблар — ақл-заковат, тадбиркорлик, садоқат, ҳушёрлик ҳамда эл-юрт манфаатини англаш каби сифатлар алоҳида тилга олинади. Шунинг ўзиёқ Амир Темур давлатини шахсий садоқат ва яқинлик билан эмас, балки хизматга лойиқлик ҳамда масъулият тамойиллари асосида мустақамлашга интиланганини кўрсатади.

Амир Темурнинг бошқарув тизимида марказ ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар ҳам пухта ўйланган эди. Салтанат ҳудуди ғоят улкан бўлгани сабабли барча ерларни бир хил усулда идора этишнинг амалда илҳомий йўқ бўлган. Шу сабабли марказий ҳокимият учун стратегик аҳамиятга эга ҳудудларда бевосита назорат қўйиштирилган бўлса, марказдан олис айрим ерларда тобелик, вафдорлик, солиқ мажбурияти ва ҳарбий хизмат орқали сиёсий боғлиқлик таъминланган. Бундай ёндашув Амир Темур давлатчилигининг реал сиёсий табиғатига тўла мос тушарди: у идеал эмас, балки амалий бошқарув моделини кўрди. Бу ҳолат унинг салтанатини қисқа муддатли ҳарбий иттифоқлардан фарқлаб, уни ҳақиқий давлатчилик анъанаси даражасига кўтарди.

Солиқ, молия ва иқтисодий назорат масалалари ҳам давлат тузумининг муҳим қисми бўлган. Фақатгина савдо йўллари, бозорлар, хунармандлик марказлари ва шаҳарлар хавфсизлигини таъминлашнинг ўзи етарли эмас эди, давлатга, шунингдек, барқарор молиявий таянч ҳам керак бўлган. Манбаларда Амир Темур даврида таъмағирлик, нарх-навоно ассосиз ошириш ва жамият ҳисобидан бойишга интилиш қаттиқ жазолангани қайд этилади. Демак, давлат тартиби фақат ҳарбий куч билан эмас, балки иқтисодий адолат ва кучли маъмурий назорат орқали ҳам таъминланган.

Амир Темур кадрлар сийосатида ҳам шахсий садоқат билан касбий салоҳиятини бирдек қадрлаган. “Темури тузуқлари”да вазирлар, саркардалар ва давлат хизматчиларига

нисбатан қўйилган талаблар бунинг ёрқин далилидир. Бугунги тил билан айтганда, давлатнинг барқарорлиги фақатгина раҳбар шахсига эмас, унинг атрофидаги бошқарув элитасининг савиясига ҳам боғлиқ экани ўша даврдаёқ чуқур англанди. Шу маънода, Амир Темур давлатчилигининг институционал асослари ҳақида сўз юритганда, унинг кадр танлаш, масъулият юклаш ва тартиб сақлаш маданиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Буюк Соҳибқирон ҳатто оила куриш, фарзандларни уйлантириш ва келин танлаш масалаларига ҳам худди давлат юмушларидек жиддий эътибор қаратган.

Бу давлатчилик моделида иқтисодий тартиб-қоидалар алоҳида аҳамият касб этган. Шаҳар ва қишлоқ бозорларининг жонланиши, халқаро савдо хавфсизлиги, хунармандликнинг ривожланиши ҳамда нарх-наво устидан ўрнатилган назорат марказлашган бошқарувининг бевосита натижаси сифатида намоён бўлди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Амир Темур салтанати фақат ҳарбий-сиёсий эмас, иқтисодий ва бунёдкорликка асосланган давлатчилик модели ҳам эди.


Курултой, кенгаш ва машварат: қарор қабул қилиш таомили

Амир Темур давлатчилигининг муштаҳкамлиги фақатгина марказлашган сиёсий ирода билан эмас, балки қарор қабул қилишнинг муайян сиёсий маданияти шаклланиши билан ҳам изоҳланади. Бу маданиятнинг ўзгача курултой, кенгаш ва машваратлар ташкил этган. “Темури тузуқлари”да маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик ва ҳушёрлик орқали муваффақиятга эришиш мумкинлиги таъкидланиши бежиз эмас.

Курултой давлат ҳаётидаги энг муҳим масалалар муҳокама қилинадиган олий сиёсий майдон вазифасини ўтаган. Унда ҳарбий бошлиқлар, маъмурилар, уламолар ва ҳудудий вакиллар иштирок этган бўлиб, қабул қилинган қарорлар фармон шаклига келтирилган ва мамлакатнинг турли нуқталарига етказилган.

“Куч — адолатда” тамойили кучнинг асл манбаи зўравонлик эмас, қонунийлик, тартиб ва ҳаққоний бошқарув эканини ҳам англайди. Амир Темур давлатнинг қудратини халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, бошбошдоқлиқни жиҳозлаш ва жамиятда мувозанат ўрнатишда деб тушунган. Шу маънода, адолатсиз куч емирувчи омилга, адолат билан бошқариладиган куч эса бунёдкор қудратга айланади.

Қадимий ва навқирон Элликқалъа туманида баҳор гул очган фаслда чағалайлар эмин-эркин сузиб юрган Ақчакўл соҳилида ўтказилган танлов, ўз навбатида, ёшларга оид ислохотлар самарадорлигини ошириш, уларнинг қизиқиши ва қобилиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.



Ақчакўл илҳомлари

БАХТИМ МЕНИНГ, ЖОНИМ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири ҳақиқат.

халқ ёзувчиси Шараф Уснатдиновнинг "Ибройим Юсупов" роман-эссеси ўзбек тилида нашрдан чиқди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Адиб ва жамият" туркум китоблари лойиҳаси асосида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиевнинг "Бургут чўққи" номли роман, қиссалар ва ҳикоялар тўплами ўзбек тилида чоп этилди.

2026 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муратбой Низановнинг "Танланган асарлар"и нашр қилиниб, ўзбек китобхоналариغا туҳфа этилди.

Тадбир муносабати билан Ақчакўл бўйида Элликқалъа тумани овул фуқаролар йиғинлари, санъат мактаблари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия ташкилотлари миллий таомлар, кашталар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини намойиш этди. Ақчакўлнинг обод этилган, дам олиш маскани ва томошагоҳга айлантирилган соҳили бўйлаб қатор қўйилган ёғоч сўриларда ўтирган пиру бадавлат отахон ва онахонлар эл-юрт тинчлигини тилаб дуо қилди, келинчақлар дастурхон



Гулдан гулга қўниб саҳар палладан Болари бол йиғар гулдан, даладан. Шоир ҳам болари бўлсайди асар, Ишин бошлар эди Элликқалъадан.

Қорақалпоқча, туркманча, қозоқча, татарча, русча, озарбайжонча миллий либослар кўзни яшнатади. Карнай-сурнайлар, ноғораю доиралар, қўбизу дуторлар, чанқовулар, рубобу торлар мусиқалари кўнгилни шод этади. Бир ёнда ахалтекин зотли ноёб туплорлар минган чавандозлар асл тойларнинг сулувллигини намоён этиб, от устида мағрур турибди. Ақчакўл осмони узра пага-пага булутлар қарвони. Ғир-ғир эсаётган шамол кўл сувларини бир маромда мавжлантирган. Гала-гала чағалайлар ҳусни жамоли билан сувнинг мавжларига кўрк бағишлайди. Кўлнинг ўртасида сузаётган оқ кема юракни ор-зиқтиради.

Ушбу манзараларни ёш мусаввирлар мойбўёқда тасвирлашга тугинган. Шоирларнинг лаблари пичирлаб, шеърини сатрлар тўқишга чоғланган. Ёзувчилар ёзил-жақ хикоялари учун манзараларни хотира-сига муҳрлашга интиланган. Хуллас, ижодий муҳит қайнагандай қайнади.

Қирғоққа тикилган оқ ўтовлар эрганақлар меймонлар учун қорақалпоқнинг беғубор кўнглидай очик.

Кўннинг иккинчи ярмида анжуман аҳли Элликқалъа тумани ихтисослаштирилган санъат мактаби худудида барпо этилган Абдулла Орипов боғига кўчди. "Ақчакўл илҳомлари" танловининг тамал тошини қўйган устоз Абдулла Орипов номида боғ бунёд этилгани айтиш мумкин. Боққа кир-верибди элимиз ардоғидаги шоир сиймоси туширилган сурат остига устознинг машур тўртлиги битилгани барчанинг эътиборини тортиди.

Кимлигимни билардим озроқ, Билар эдим суюқлигимни. Амударёни кўрганда бироқ Билиб қолдим буюқлигимни!

Анжуман доирасида меҳмонларнинг Элликқалъанинг диққатга сазовор масканлари, тарихий обидалари, янги қурилган иншоотлари билан танишуви тадбир мазмунини янада бойитди. Нукус давлат педагогика институти Элликқалъа факультетида ташкил этилган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф музейи экспонатлари билан танишув, Бўстон шаҳарчасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳакимнинг "Дарсдан сўнг" шеъри асосида бунёд этилган "Устозга эҳтиром" ҳайкали зирати ёш ижодкорларда унутилмас таассурот қолдирди. Элликқалъа тумани бўйлаб уюштирилган саёхатдан сўнг ёш ижодкорлар

ёзиб, чой дамлаган, ёш-яланг дастёрлар хизматга шай. Ақчакўл соҳили халқ сайли билан гавжум.

Элликқалъа мамлакатимизнинг кўп миллатли туманларидан бири. Ўзбекча,



Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида 7-8 апрель кунлари Республика ёш ижодкорларининг "Ақчакўл илҳомлари" ижодий танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлаб, "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" шиори остида ўтказилган мазкур анжуман мамлакатимиз ёш шоирлари, ёзувчилари ва мусаввирларини бирлаштиргани, она Ватанимизни, энг улуг ва энг азиз бўлган мустақиллигимизни тараннум этиш учун уларга ижодий муҳит ва шароит яратиб бергани айтиш ҳақиқат.

Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси раиси Аманбой Оримбаев табрик сўзи билан очиб, яқин уч йил ичида Қорақалпоғистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича Президентимиз томонидан етмиш саккизта фармон ва қарор қабул қилинганини алоҳида таъкидлади.

Аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш ҳамда энергетика соҳасини янада ривожлантириш максатида Беруний, Кўнгирот туманларида шамол электр станциялари қурилмоқда.

Қипчоқ соҳилида Амударё узра муҳташам темир йўл кўприги қурилди. Қорақалпоғистонда саноят соҳаси ривожланаётган. Иситиш батареялари заводи ҳамда Нукус базалт толаси ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди.

Яқин йилларда 3,5 миллиард долларлик инвестиция киритилади.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Қадимий ва навқирон Элликқалъа туманида баҳор гул очган фаслда чағалайлар эмин-эркин сузиб юрган Ақчакўл соҳилида ўтказилган танлов, ўз навбатида, ёшларга оид ислохотлар самарадорлигини ошириш, уларнинг қизиқиши ва қобилиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Саййид сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан бадиий адабиётни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, адабиёт ва маънавият соҳасидаги ислохотларга алоҳида тўхтади.

Бутун умри ва ижоди давомида озодликни орзу қилган, халқ манфаатларини ўйлаган ва халққа хизмат қилишни қуйлаган Бердақ шоир айтганидек, бахтли-шодон, истеъдодли, ҳар ишни пухта ўйлайдиган, эсли-хушли, халқимизнинг дастёри бўлиб, гурур-ифтихор билан кўкларга мағрур бўйлайдиган ёшларимиз бор.

Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори шарофати билан ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари ривожини янги босқичга кўтарилди. Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хибонида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг улуг сиймолари билан биргалликда қорақалпоқ адабиётининг ҳам ул уг улуғ намояндаси — Бердақ, Ибройим Юсупов ва Тўлпбергенов Қайпбергеновга муҳташам ёдгорлик ўрнатилди, Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби очилди.

2024 йилда давлатимиз раҳбарининг "Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсбой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Маз-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

кур тарихий қарорга биноан Ажиниёзнинг тўлиқ "Асарлар" китоби ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр этилди. Ажиниёзнинг ибратли ҳаёти ва ижоди ёритилган бадиий фильм суратга олинди. 2019 йилда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлпбергенов Қайпбергенов таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Ҳар икки улуг ижодкорнинг "Танланган асарлар"и кўркам шаклда нашр этилди. "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик китоблар мажмуасининг 34-38-жилдлари қорақалпоқ адабиётига бағишланган.

2021 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Назм бўстони" туркумида Бердақнинг "Юрт гамҳўри керак менга", Кенгесбой Каримовнинг "Масофалар", Бахтиёр Генжамуроднинг "Юракнинг ўгли осмони", Соғинабой Иброҳимовнинг "Йўл ўртаси", ёш ижодкорларнинг "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида Сарвиноз Мусатдинованинг "Қарсон йўллари", Аллар Дарменовнинг "Ой дўст" шеърини тўпламлари ўзбек тилида нашр этилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Каримовнинг "Оғабий" романи, Қорақалпоғистон

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446. 30646 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Бахоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

тумандаги санъат мактаби дарсхоналарида танловнинг асосий шартин буйича ижодий беллашуви давом эттирди. Уларга қирқ беш дақиқа давомида Ақчакўл мавзусида янги шеър, янги ҳикоя ёки бадиий қатра ёзиш вазифаси топширилди. Мусобақа нихоятда қизиқарли бўлди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоирлари бўлган устозлардан тузилган ҳакамлар ҳайъати ёш ижодкорларнинг ёзма ишини ўрганиб чиқди ва муносиб баҳолади. Энг муҳими, Ватан мавзусида янги шеърлар, насрий ва рангтаъсир асарларга пойдевор қўйилди.

Эртаси кун туман марказидаги санъат саройида "Ақчакўл илҳомлари" республика танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид мамлакатимизда ёш ижодкорларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, мамлакат миқёсида ташкил этилган "Ақчакўл илҳомлари" танловининг аҳамияти ва қутилаётган натижалар ҳақида гапирди:

— "Олтин қонидан олтин чиқади" деганларидек, сўз даргаларига бешик бўлган бу дийрдан, албатта, Алишер Навоий, Бердақ, Ажиниёз, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов ворислари етишиб чиқишига ишонамиз. Ибройим оғанинг "Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан" шеърини ушбу эзу ниятнинг амалга ошишига қомил ишонч ихзор этилган. Уни устоз Абдулла Орипов ўзбек тилига таржима қилган:

Мен уни тингласам, қолмай тоқатим, Кўнгида сайраган мастона булбул. Мен уни тингласам, туққан златим Ер жаннати бўлиб кўрингай буткул.

Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг, Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг, Агар мен ўлганда тиришмоқ бўлсанг, Айт сен Ажиниёзнинг қўшиқларидан.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган қорақалпоғистонлик ижодкорларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Қоҳмур Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, голибларни табриклади.

Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг умр йўлдоши Ҳанифа Муштафоева Абдулла Орипов боғи бунёдкорларига, Абдулла Орипов боғи ижодкорларига, устоздан мерос бўлиб қолган "Ақчакўл илҳомлари" танловини янгидан уюштирган ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

Ҳакамлар ҳулосасига кўра, танловда энг истеъдодли ижодкорлар аниқланди. Республиканинг барча ҳудудларидан келган 44 иштирокчининг ҳар бирига диплом, статуэтка, эсдалик совғалар ва китоблар жамланмаси топширилди.

Санъаткорлар куй-қўшиқлари ва рақслари билан тадбир иштирокчиларига ўзгача завқу шавқ бағишлади.

Бизнингча, танловда қатнашган барча ижодкор голиб бўлди. Улар ёрқин таассуротлар ва ҳаяжон оғушида Ақчакўлда чарх уриб учиб юрган чағалайлар билан хайрлашиб, уйларига мамнун ва масрур қайтдилар. Биз ҳам мазкур танловдан ўзгача таассурот билан қайтар эканмиз, кўнглимизда кўйидаги шеърини сатрлар уйғонди.


Ёнди баҳор Элликқалъа рўйида, Булбул сайра Ақчакўлнинг бўйида. Ғазал тўқир булбулзабон шоирлар Ўзбек билан қорақалпоқ тўйида.

Дилда жўшди Ақчакўл илҳомлари, Тилда улуг устозларнинг номлари: Ибройим ҳам Абдулла Ориф шеъри, Отажоннинг "Сувора" инъомлари.

Авлиёлар Бўстонга дам урган "Суф": Жамлодан офтоб бўлган кусуф. Осмонларда мангу навқирон қўшиқ — Элликқалъа қуши Муҳаммад Юсуф.

Олтин қўшиқ янграётир, сов тилла, Юрт мадҳини қуйлаган овоз тилла. Ақчакўл илҳомларига авж берган Валижон ҳам устоз Незамтулла.

Гул очилиб яшайверсин, Бўстоним, Элликқалъа — энг ёзул гулистоним. Қўшиқ янгра Ақчакўлнинг бўйида, Бахтим менинг, жоним Ўзбекистоним!



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.